

## Мотуридий мазҳабининг ақийдаси



09:23 / 11.11.2024 1395

#Мазҳабда\_муваффақият\_бор

Ибн Масъуд, Алқама, Нахаъийларнинг фикҳи бизга Абу Ҳанифанинг йўли орқали етиб келган. Абу Ҳанифа уларни тартиблаб, бир низомга солиб чиққани учунгина мазҳаб унинг номи билан аталиб қолди. Яна «Мотуридий мазҳаби», деймиз. Ақоиддаги мотуридия мазҳабини имом Мотуридийга нисбат берамиз. Хўш, ақоидни у пайдо қилганми?! Ахир бу саҳобаларнинг ақийдаси-ку! Имом Мотуридий эса ҳижрий тўртинчи асрда яшаган. Имом Мотуридий имом Таҳовий айтган ақоиднинг айна ўзини айтади, холос. Ваҳоланки, имом Таҳовий Мисрда, имом Мотуридий эса Самарқандда яшаган. Имом Таҳовий китобининг бошида: «Бу китоб уч имомимиз: Абу Ҳанифа Нуъмон, Қози Абу Юсуф ва Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийларнинг ақийдаси», дейди. Лекин Таҳовийдаги нарсалар Мотуридийда ҳам бор.

Ҳолбуки, бири Мисрда, бири Самарқандда яшаган, бир-бири билан кўришмаган.

Демак, Мотуридийнинг гаплари унинг ўз фикрлари эмас. Бу ақийда Абу Ҳанифаники, унинг ақийдаси эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламникидир.

**«Ҳанафий мазҳабига теран нигоҳ» китобидан**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 16 апрелдаги 03-07/2009-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.